

КЕКСАЛАРИНИ ЭЪЗОЗЛАГАН ЮРТ



Мустақиллигимизнинг 31 йиллиги арафасида Сурхондарё вилояти ҳокими Т.Боболов ушбу мўтабар инсонларни ёд этиб, уларга “Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз” шиори остида байрам табриги ва совғаларини йўллади. Шеробод туман маънавият ва маърифат бўлинмаси раҳбари У.Норов ҳамда маҳалла раислари биргалигида мазкур тухфалар ўз эгаларига етказилди ва байрам табриги нуронийларга ўқиб эшиттирилди. Бундан ғоят севинган бобобувиларимиз эса эл-юртга тинчлик сўраб қўлларини дуога очишди.